

ХАРОБОТИЙНИНГ ИЛОҲИЁТ ВА РУҲОНИЯТ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

т.ф.н. Мавжуда Разакова

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Абу Райҳон Беруний
номидаги Шарқшунослик институтининг бўлим бошлиғи

Тасаввуф аҳллари ўртасида тавҳид масаласига кенгроқ эътибор берилади. Ҳаттоки тариқат йўлидаги алломаларнинг асарида ҳам бу масала биринчи ўринда туради ва унга кўпроқ эътибор қаратилганини кўришимиз мумкин. Муҳаммад Порсо, Яъқуб Чархий, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва кўплаб алломалар ўз асарида тавҳид масаласини ҳар томонлама очиб берганлар.

Муҳаммад Порсо “Таҳқиқот” асарида тавҳид масаласига эътиборини қаратар экан, у ёзади: “Тавҳиднинг аввали – инсон тили билан айтиб, қалби ғофил (огоҳ) қилган “ла илаҳа иллаллоҳ” калимасидир. Иккинчиси, ушбу калима маъноси асосида эътиқод қилиш, учинчиси эса Ҳақ нурини (тариқат асосида) кашф қилишдир. ...Тавҳиднинг ҳақиқати ва сири (шундаки), ҳамма (ҳамма мавжуд яратилган нарсалар) бир аслга боради ва фоил (ишловчи, бажарувчи) бир эмас ва ҳеч киши ўзга фоил эмас”,¹ деган фикрни билдиради.

Абдурахмон Жомий “Калимоти қудсия Хожа Муҳаммад Порсо” асарида тавҳид масаласига ўз фикрини баён қилар экан, Аллоҳ таъолони таниш сирлари ҳар кимга берилмайди, чунки ҳар тингловчи уни тинглашга тоқат қилмайди, бундай сирлар фақат авлиё ва анбиёларга хос бўлиб, улар худди қуёшдан нур олаётган ойга ўхшайди (яъни Аллоҳдан илоҳом ва завқ оладилар)”,² деб тасвирлайди.

Мавлоно Яъқуб Чархий “Рисолаи қудсия” асарида устози Баҳоуддин Нақшбанднинг тавҳид ҳақидаги сўзларини келтиради. У ёзади: “Агар сендан тавҳид нима?” деб сўрасалар, дилни Ҳақ субҳонаҳудан бошқа нарсалардан поклаш ва яғоналаш деб айтгин, деганлар”.³ Чархий яна бир жойда Баҳоуддин Нақшбанднинг тавҳид ҳақидаги ўз мулоҳазаларини қуйидагича келтиради: “Аллоҳдан бошқа барча нарсани кўнгилдан бутунлай кетказишдир”,⁴ деб ёзади. Чархий эса тавҳидни бошқача тушунтиради ва ёзади: “Дилни Ҳақ субҳонаҳудан бошқа нарсани билимидан ҳалос қилишдир”.⁵

Ҳозирги замон олимлари тавҳид, ваҳдат масаласини бошқача тушунтиришга ҳаракат қиладилар. Уларнинг фикрича, ваҳдат бир фалсафий-ирфоний атама бўлиб, луғафий жиҳатдан бирлик маъносини англатади. Аммо тасаввуф таълимотида илоҳий ҳақиқатни

¹Муҳаммад Порсо. Таҳқиқот. ЎЗР ФА ШИ, инв. № 1441. 1 а-бет, 229 а-бет.

²Абдурахмон Жомий. Калимоти қудсия Хожа Муҳаммад Порсо. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, № 10395/3. 9 а-б-бетлар.

³Чархий. Рисолаи қудсия. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, инв. № . 74 б-бет.

⁴Баҳоуддин балогардон, 44-бет.

⁵Рисолаи қудсия, 75-бет.

англашга тегишли бўлиб, фалсафий ва ирфоний моҳиятни ифодаловчи истилоҳдан иборатдир,⁶ деб ёзадилар.

Тасаввуфшунос олим Н.Комилов ваҳдат ул-вужудни бошқача тушунтиради. Унинг ёзишича, Худованд оламини ўз жамоли ва камолини намойиш этиш учун яратди. Яъни, У ўз ҳуснини томоша қилиш учун Ўзига кўзгу яратдиким, бу бизни ўраган моддий оламдир. Аммо бу кўзгунинг жавҳари – инсон қалбидир”,⁷ деб таъкидлайди.

Бизнинг фикримизча, тавҳид-яккаликни билдиради ва у фақат битта илоҳни, яъни Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ, эканлигини билдиради. Тавҳид масаласи кенг қамровли бўлиб, уни биргина сўз ёки иборалар билан тушунтириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам тавҳид масаласига ҳозирча фалсафий томондан ёндошган ҳолдагина уни илоҳий куч ёки қудрат бағишловчи Зот деймиз.

Ўтмишда яшаган олимлар тавҳид масаласига ўз асарларида қайта-қайта мурожаат қилганликларини кўришимиз мумкин. Жумладан, Муҳаммад Порсо ўз асарларида “ваҳдати вужуд” (“Аллоҳнинг ягоналиги”) масаласига кўпроқ эътибор қаратади. Айрим олимлар Аллоҳдан ўзга бирон борлиқнинг ҳақиқатда мавжуд эмаслигини тан олган сўфийлар орасида унинг сифати, зоти каби масалаларни изоҳлашга уринишлари мустақил тасаввуф фалсафасининг пайдо бўлишига олиб келди,⁸ деган фикрни билдирадилар. Шунингдек, кўпгина олимлар Абдурахмон Жомий асарларининг барчасини “ваҳдати вужуд” ғояси ташкил этади,⁹ деган ғояни илгари суради. Ғарб олимлари “ваҳдат ул-вужуд”ни (барча худолик) ва “ваҳдат уш-шуҳуд”ни (барча худоликда) деб изоҳлайдилар.¹⁰

Тасаввуф фалсафасида илоҳий ишқ орқали покланиб, Аллоҳ оламига етишишдир. Агар тасаввуфга шу нуқтаи назардан таъриф бермоқчи бўлсак, унда: “Тасаввуф ишқ оташида туғилган туғёнли тафаккурдир”,¹¹ дейиш мумкин.

Мавлоно Хароботий Аллоҳга бўлган ишқни ўз маснавийсида таърифлар экан, унинг ёзишича, ташқи ва ичкини ихтиёр қилсанг, дилни пок қилгин, шундагина Аллоҳга бўлган буюк муҳаббатга эришасанг. Фақат Аллоҳга бўлган ҳақиқий ишқ сиридан

⁶Шаръий Жузжоний. Хожа Аҳрор асарларида “ваҳдат” назарияси. / “Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни” номли илмий-амалий анжуман маърузалари тезислари. – Тошкент, 2004. 39-бет.

⁷Н.Комилов. Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси. / Шарқ машъали, 1998, № 1-2-сонлар. 49-бет.

⁸Усмон Тўроқ. Тасаввуф тарихи. – Тошкент, 1999. 128-бет.

⁹Н.Ҳидирова. Хожа Муҳаммад Порсо асарларида Аллоҳ тавҳиди масаласи. / Фалсафа ва ҳуқуқ, 2005, 3-сон. 57-бет.

¹⁰Шаръий Жузжоний. Хожа Аҳрор асарларида “ваҳдат” назарияси. / “Хожа Аҳрор Валийнинг Марказий Осиё тарихи ва маънавиятида тутган ўрни”. Илмий – амалий анжуман маърузаси тезислари. – Тошкент, 2004. 39-бет.

¹¹Н.Комилов. Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси. / Шарқ машъали, 1998, № 1-2. 49-бет.

Муҳаммад (с.а.в.) огоҳ бўлиши мумкин, деган фалсафий-тасаввуфий мушоҳадани келтирар экан ёзади:

**Зохиру ботинни қилсанг ихтиёр,
Ҳар ёмон андешани дилдин чиқор.
Ул Муҳаммад ошиқи Аллоҳдур,
Ишқ сирридин ўшал огоҳдур.¹²**

Хароботий фикрича, ишқ ўти билан кўнгил нур бўлар, қачонки, инсоннинг нафақат танаси, балки дили ҳам пок бўлса. Хароботий инсонларни Шайтон домига тушиб, хирсга берилмаслик, дилни кир қилмасликка чақиради. Ҳақиқий комил инсонгина Илоҳий ишққа етишиши мумкин эканлиги, қачонки, инсоннинг жисми пок, Аллоҳ ишқида кўз ёши тўкиб, кўнгли нур билан тўлсагина,¹³ деган фалсафий-тасаввуфий ғояни илгари муради.

Хароботий фикрича, Аллоҳдан ўзга нажоткор, меҳрибон ва гуноҳларни авф қилувчи Зот бўлиши мумкин эмас. Фақат Аллоҳгина бандалар мушкилини осон қилади, нотўғри йўлда юрган кишиларнинг гуноҳини кечиради. Хароботий ўзининг тимсолида қуйидагича келтиради:

**Худовандо, енгилдим, йўлдин оздим,
Гунаҳ айлаб ўзимға чоҳ қаздим.
На бордур манда фаҳму ақлу идрок,
На қилдим пардаи пендорни чок.¹⁴**

Мавлоно Хароботий Аллоҳга илтижо қилар экан Аллоҳнинг қудрати шу даражада чексизлиги, ҳаттоки йўқдан бор қила оладиган қудратга эга экани ҳақида баён қилади. Шунингдек, хароботий ўз гуноҳи учун уни Аллоҳ ўзи Яратган биёбонга ташлагани ҳақида ёзади. Бу синовли дунёда, Аллоҳ ўз бандаларини синаш учун уларни боғу роғларга ёки дашту саҳроларга ташлаши мумкин эканлиги ҳақида ҳам таъкидлаб ўтар экан ёзади:

**Худовандо, мани йўқдин яраттинг,
Яратиб бу биёбон ташлаб оттинг.
На нахли бир биёбон, на минора,**

¹²Хароботий. Маснавийи Мавлоно Хароботий, 17-бет.

¹³Хароботий, 17-бет.

¹⁴Хароботий, 13-бет

На ҳадди бор мунигда, на канора.¹⁵

Хароботийнинг ёзишича, ер юзидаги барча инсонларнинг ягона илоҳи, нафақат ер юзида, балки инсонни бу оламни тарк этгандан сўнг, иккинчи оламдаги ҳаётида ҳам, фақат битта яратувчи илоҳ, бу Аллоҳ эканини таъкидлайди. Ер юзидаги барча инсонлар унинг нигоҳидан, назаридан четда эмасликлари ва Угина инсонларнинг раҳнамози эканини таърифлаб ёзади:

**Худоё, барчаға сан Худованд,
Санингдек икки олам йўқ Худованд.
Эрусан раҳнамову ҳам ниғаҳбон,
Санга ҳар на борини ҳоли аъён.¹⁶**

Яна бир жойда ёзади:

**Ажаб йўқ фурқатингдин, эй Биру боро,
Қилурсан хорни гул, гулни ё хоро.¹⁷**

Хароботий фикрича, барча тирик зот борки, ҳамма ягона Аллоҳ измидадир. Аллоҳ истаса инсонларни хор қилади, истаса уларни бой қилади. Лекин ғариб одамни ҳар доим ҳам азоб-уқубатга солмайди, унинг аъмоли, сабр-бардоши туфайли, ўша бандасига мўл ризқ, мол-давлат бериши ҳам мумкин. Бой одамнинг хасислиги, манманлиги, ҳаромдан давлат орттираётганлиги, ўзгалар дилини хуфтон қилганлиги эвазига, ундан бандаларни жазо сифатида бошларига минг хил қулфатни солиши ҳам мумкин эканлиги ҳақида таъкидлаб ўтади.

**Бир назарда хорни гулзор этар,
Бир назар гулзорларни хор этар.
Бир назар кўб мурдани ихё қилур,
Бир назарда гунгни ул гўё қилур.¹⁸**

Хароботийнинг ёзишича, инсон ҳар доим ўзининг яратувчисининг измида ва фармонида бўлса, Аллоҳ ҳам ўша бандаларини севади ва Ўзига тобеъ бўлган бандасининг хоҳишини бажо келтиради. Агар инсоннинг қўлида арпа бўлса, Аллоҳ унга

¹⁵Хароботий, 41-бет.

¹⁶Хароботий, 12-бет.

¹⁷Хароботий, 12-бет.

¹⁸Хароботий, 56-бет.

бўғдой – дон беради. Хаттоки, тоат ва эътиқодда бўлган девни ҳам мўъмин қила олиш қудратига эга эканини таъкидлаб, қуйидагича ёзади:

**Бўлса ким доим Худо фармонида,
Тангри ҳам бўлғай анинг фармонида.
Гандуми айлар агар жав бўлсаму,
Қилгай ул мўъмин агар дев бўлсаму.¹⁹**

Хароботий тавҳид масаласида ўз мулоҳазаларини давом эттирар экан, унинг фикрича, Аллоҳ қудрати шу қадар чексиз, унга нафақат бандалари, балки инсу-жинслар ҳам тобеъдирлар. Хароботий ёзади, Аллоҳга тоат-ибодатда бўлган. У зотнинг буюрган амрларини бажарган хос бандаларига улуғ мартаба ато қиладики, хаттоки инсу-жинслар ҳам ўша бандалари измида бўлиб, буюрган ҳар бир фармонини сўзсиз бажаришларини баён қилиб ёзади:

**Бўлса ким доим Худо фармонида,
Инсу жинс бўлғой ани фармонида.
Кимки кўрқуб Тангрини амрин қилур,
Инсу аждарлар анинг амрин қилур.²⁰**

Хароботий Аллоҳнинг ягона эканлигини яна бир бор таъкидлаб, барча тирик зот тақдирини ўзи хоҳлагандек қилолмаслигини, фақат Аллоҳ барчасига қодир эканлигини баён қилиб ёзади:

**Хоҳласа ҳар кимга бергай симу зар,
Хоҳласа кимни қилур зеру забар.
Хоҳласа қилгай гадони подшо(х),
Хоҳласа шоҳларни қилгай ул гадо.²¹**

Хароботийнинг ёзишича, гўёки у ўзининг умрини кўп гуноҳлар билан ўтказди ва охир оқибат кексалик даврига келиб, Аллоҳни ёд этиб, У зотнинг эшигига ялиниб келиб, Аллоҳга илтижо қилади. Хароботий бу борада ёзади:

**Подшоҳо, манки исён қилғувчи,
Сан ани афв айла осон қилғувчи.
Ўтти умрим кўр гунаҳ ҳар ён юруб,**

¹⁹Хароботий, 56-бет.

²⁰Хароботий, 56-бет.

²¹Хароботий, 56-бет.

Келди эшигинга бугун телмуруб.²²

Хароботийнинг фикрича, инсон ҳаёти давомида, айниқса, ёшлик даврида ўзи билиб-билмай кўпгина гуноҳларга кўл уриши мумкин, лекин ёши ўтган сари ёшликдан кексалик даврига ўтаётганида инсон босиб ўтган умрига бир назар ташлайди. Қалбида кўпроқ Аллоҳ томон интилиш бўлар экан. Қанча гуноҳ ва қанча савоб иш қилгани ҳақида ўйларкан. Қилган ўз гуноҳлари учун Аллоҳдан илтижо қилиб, афв этишини сўрайди.

Хароботий бир жойда Аллоҳ сифатини ёзаркан, У зотни қуйидагича таърифлайди:

**Ҳақ таъоло подшоҳи бокарам,
Қилмағай бечораға зулму ситам.
Барча одилнинг Тангрим одили,
Бўлса ҳар жо ожизу ё бедили.²³**

Хароботийнинг фикрича, Аллоҳ ўз бандаларига меҳрибон ва У зот бечора ҳол, дилларида фақат Аллоҳ зикри билан яшайдиган инсонларга ситам ва зулм кўрсатмайди. Тангри таъоло ўзи одил ҳукмдор ким ҳақ ва ким ноҳақ эканлигини ўзи ажратиб олади ва шунга яраша жазолайди ёки мукофотлайди, деб ёзади.

Хароботий ўзининг фалсафий мушоҳадасини давом этирар экан, у Аллоҳнинг 99 исмидан айримларини тилга олиб, уларни изоҳлаб ҳам берар экан, Аллоҳ исмларидан тўрттасини қуйидагича таърифлайди:

**Жабр қилғонларға ул Жаббордур,
Қаҳр қилғонларға ул Қаҳҳордур.
Сатр қилғонларға ул Саттордур,
Афв қилғонларға ул Аффордур.
Раҳм қилғонларға келди раҳмиси,
Қаҳр қилғонларға қилди зулмиси.²⁴**

Хароботийнинг ёзишича, Аллоҳнинг 99 исми бўлиб, ҳар бир исми Аллоҳ сифатларини англатади.

Тасаввуф аҳллари ўз асарларида Аллоҳ сифатлари ҳақида кўп ёзганлар. Жумладан, Қуръони Каримнинг бир қанча сураларида “Асмо ул-ҳусно” ҳақидаги оятлар мавжуд. Ҳадиси шарифларда ҳам Аллоҳнинг “чиройли исмлар”и ҳақида маълумотлар бор.

²²Хароботий, 67-бет.

²³Хароботий, 70-бет.

²⁴Хароботий, 70-бет.

Айниқса, Расулulloҳнинг: “Кимки бу исмларни ўқиса, жаннатга кирмай қолмайди”,²⁵ - деган ҳадислари мавжуд.

Мавлоно Яъқуб Чархий “Шарҳи асмоуллоҳ” (“Аллоҳ исмларининг шарҳи”) асарида Аллоҳнинг 99 та исмларининг шарҳини бериб ўтади.²⁶ Чархий мазкур асарни Расулulloҳнинг: “Аллоҳнинг тўқсон тўққиз исми бор...”, деб бошланувчи ҳадисини ҳар томонлама шарҳлаш билан бошлайди.²⁷ Шунингдек, Жалолиддин Румий (1207-1273) “Маснавийи маънавий” асарида ҳам Аллоҳ исмларини шарҳлаб ўтган.

Инсоннинг феъл-атвори, ҳар бир ҳатти-ҳаракати унинг руҳий ҳолати билан боғлиқдир. Руҳ ва жисмнинг ўзаро бир-бири билан боғлиқлиги (физик ҳамда психик) талқини унинг гносеология ва психологияси билан бирга йўналишидир.

Ўтмиш алломалари инсоннинг руҳий ҳолати масалалари устида тўхталар эканлар, Худони мутлоқ руҳ деб, инсон ва оламда ҳам руҳ бирламчи асос эканлигининг тан олганлар. Бироқ бу руҳни ўзидан ўтказиб эмас, балки “объектив борлиқ” сифатида, бир асбоб сифатида четдан туриб ҳиссиз эътироф этишлари кўзга ташланади.²⁸

Кейинги давр олимлари фикрича, пок бўлиш учун эса қалбда шу поклик тимсоли улуг Тангрига беҳудуд ва адо бўлмас муҳаббат бўлиши керак. Бу муҳаббат мавҳум бир туйғу эмас. Балки Илоҳ яратган моддий оламдаги гўзаллик – Илоҳнинг камоли ва жамоли акс этган нарсалар ва унинг гултожи – инсонга муҳаббат орқали боради,²⁹ деган мулоҳазани келтирадилар.

Шарқ фалсафаси инсон микро ва макро оламни бирлаштирувчи куч сифатида тушунилади. Чунки инсон табиати – жисм, руҳ ва руҳият бирлигидан иборат, деган фикрни келтирадилар.³⁰

Тасаввуф аҳллари инсонни табиий тараққиётнинг олий кўринишини, Аллоҳ энг мукамал ва мўътабар Зот берган неъмат билан ўлчайдилар. Чунки, оламни ва одамни яратган Парвардигор гавҳари, исмлари, қудрати ва моҳиятини англаш ҳам инсон руҳи хусусиятларини ўрганиш ва англаш билан амалга ошади.³¹

Бизнинг фикримизча, инсон организмда кечаётган барча руҳий ва физик жараёнлар бир-бири билан яқин марбутдир. Руҳий кучларнинг физиологик асосларига, мия функциялари, сезги пайдо бўлишининг физикавий сабаблари, ёруғлик, товуш ва ҳоказолардир, дейди. Бундай ғояларни Ибн Сино ҳамда Юсуф Қорабоғий асарларида ҳам учратиш мумкин³².

²⁵Тавҳид. – Т.: Меҳнат, 1991. 25-бет.

²⁶Яъқуб Чархий. Шарҳи асмоуллоҳ. ЎЗР ФА ШИ қўлёзмаси, № 6374/4.

²⁷Шарҳи асмоуллоҳ, 264-бет.

²⁸Н.Комилов. Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси. / Шарқ машъали, 48-бет.

²⁹Н.Комилов. Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси, 49-бет.

³⁰Г.Туленова. руҳий –фалсафий қарашлар муштараклиги. /Фалсафа ва ҳуқуқ, 2005, 4-сон. 9-бет.

³¹Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси, 48-бет.

³²Н.Нуритдинов. Юсуф Қорабоғий ..., 77-бет.

Табиатдаги жамики ички зиддият ва ривожланиш, ўсиш-улғайиш руҳнинг мўъжизалари инсонда бор. Инсон моҳиятини тушунтиришда унга онгли мавжудод сифатида баҳо берилади. Жонли жисм ўз тазоҳирида сифат жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади, масалан, ўсимликлар озикланиш, ўсиш ва кўпайиш қобилиятига эга. Ҳайвон ва инсонларда булардан ташқари яна ташқи оламни ҳиссий идрок этиш қобилияти ҳам бор. Бу қобилиятлар бевосита Яратганга бориб тақалади.

Мавлоно Хароботий тавҳид масаласига ёндашар экан, Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқлиги, барча тирик жонни Аллоҳ яратганини қуйидагича тасвирлаб ёзади:

**Ҳарнаким, пайдо одамдин айладинг,
Жисму жонни қатра намдин айладинг.
Даҳраро кўб айладинг накши нигор,
Йўқ турур сандин бўлак Парвардигор.³³**

Хароботий фикрича, инсонни яратган Аллоҳ руҳ ва жонни унга киритди. Оламдаги барча нарсаларни ўз бандасига айлади. Барча гўзал нарсаларни унинг дилига накши нигор қилди. Лекин нима бўлганда ҳам банда ўзини яратган, унга барча нарсаларни инъом этган Парвардигорини унутмаслиги керак. Руҳи билан Уни ҳис қилиб турмоқи лозимлигини таъкидлаб ўтмоқда.

Тасаввуф аҳли, инсон икки асос – жисм ва руҳдан иборатдир, дейдилар. Уларнинг фикрича, инсон жисмида тўрт унсун – сув, олов, ҳаво ва тупроқ хусусиятлари жамланган. Инсон ўз руҳи билан фаришталарга, жисми билан эса табиатга, яъни ҳайвонларга бориб тақалади.³⁴

Бизнинг фикримизча, руҳ кўзга кўринмайдиган бир мафҳум нарса бўлиб, инсон уни қалбан ҳис қила олади. У фақат инсон тирик вақтида жон билан жисмда яшайди.

Юсуф Қорабоғийнинг фикрича, руҳни моддий оламнинг сифат ва хусусиятларидан бири, деб ҳисоблайди. Руҳ илоҳий оламнинг зарраси эмас, у ўлмас ҳам эмас. Руҳни ўлимга маҳкум этгач, уни муқаддасликдан маҳрум қилади,³⁵ дейди.

Руҳ бадандан узилганларидан сўнг, вужуд хоналаридан бенишонлик ўтлоқларига кетадилар, ғайбат тунлари келганда уйғоқлик майдонига қайтишни истайдилар ва бу билан ўз оёқларига узун кишан соладилар. Бу кишан руҳнинг баданга боғлиқлигидир, деган фалсафий-тасаввуфий мушоҳадани келтириб ёзади.

Хароботий бу борада бошқача фикр билдирар экан ёзади:

³³Мавлоно Хароботий, 11-бет.

³⁴Н.Комилов. Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси, 48-бет.

³⁵М.Нуритдинов. Юсуф Қорабоғий ..., 78-бет.

**Бордур чандон харидор, эй санам,
Чикса жон жисмингни олмас бир дирам.
Буд тани олтин-кумушдур кадри бор,
Бу санинг жисминг эрур безътибор.)³⁶**

Хароботийнинг фикрича, рух танада бўлсагина ҳаракат қилаётгани сезилади, рух жисмни тарк этгач, бу тана ҳеч нарсага ярамайди. Демак, жисм ва рух бир-бири билан узвий боғлиқ.

Тасаввуф аҳллари фикрича, рух тана ўлгандан кейин ҳам яшайди, у муқаддас ва ўлмас, деган ғояни илгари суриб келадилар. Рух тана ўлгандан кейин тирик қолади, тана эса чириб кетади. Уларнинг фикрича, рух билан тананинг бир-бири билан боғлиқлиги илоҳий куч билан эгадир. Чунки, рух тана, нафс табиат устидан ғолиб бўла олмайди. Инсон ўз асли бўлмиш мутлоқ рух ҳолатига яқинлашиши, унинг васлига етишиш учун ҳам шундай қилишлари лозим.

Кейинги давр олимлари бу борада бошқа фикр юритадилар. Уларнинг фикрича, тасаввуфдаги ўзига хослик ақлий таракқиёт бўлиб, у бор билимларни эгаллаш билан қаноатланмасдан, балки руҳни чиниктириб, қалбни мусаффолаш орқали буюк камолотга интилади. Ўз-ўзини такомиллаштириш орқали янги мақом мартабаларга эга бўлади. Бу эса фақат назарий тайёргарлик, таълим-таҳсил билан бўлмайди, балки, тариқатни босиб ўтиш, қаттиқ ва қатъий чекланиш ва маҳрумликларни бошдан кечириш лозим,³⁷ деган тасаввуфий мушоҳадани келтирадилар.

Бизнинг фикримизча, рух ва тананинг ўзаро муносабати масаласи юзасидан қатор материалистик фаразлар илгари сурилади. Инсон руҳини унинг жисми билан биргаликда, ҳатто унга тобедир.

Тасаввуф аҳллари, Парвардигорни ва унинг қудрати, мўъжизалари, ғайб оламини фақат ақл билан билиб бўлмайди. Ақл дунёвий билимлар, далил билан исботланиши мумкин бўлган билимларга ярайди, ғайб илмини идрок этишга эса ақл ожиздир,³⁸ деган фикрни илгари сурадилар.

Мутафаккирларнинг фикрича, инсон рух ҳақидаги таълимот билан инсон ақли масаласи боғлиқдир. Ақл - жисмоний ҳам эмас, руҳий ҳам эмас, у абсолют ақл бўлиб, оқибат натижада ақлий билимларни ўзлаштиришга хизмат қилади,³⁹ деган тасаввуфий ғояни келтиради.

Хароботийнинг фикрича, бу дунё жон ва рух учун бир зиндондир, яъни рух жисмга мажбуран киритилгани сабабли у жисмга тобе бўлгани учун эркин бўла олмайди. Ғайб

³⁶Хароботий, 15-бет.

³⁷Н.Комилов. Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси, 48-бет.

³⁸Н.Комилов. Тасаввуф ва Шарқ фалсафаси..., 48-бет.

³⁹М.Нуритдинов. Юсуф Қорабоғий..., 80-бет.

оламида руҳ жисмдан ажралган ҳолда эркин яшайди, гўёки, ул жаҳон саҳроси унинг аслидир, деган мистик ғояни илгари суради.

Хароботий яна бир жойда руҳни жисмга киргани ҳақида ёзади:

**Шул замонким, кирди руҳим дар бадан,
Кирди шуд вақт нафси шайтон ушбу тан.⁴⁰**

Хароботий ҳам тасаввуф намояндаларининг фикрига қўшилган ҳолда, яъни жисмга руҳ кирган, деган тасаввуфий қарашларини таъкидлайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Хароботий руҳ ва жисм бир-бири билан боғлиги, инсоннинг руҳий қудрати ҳақида сўз борар экан, ўтмиш мутасаввифлари ва файласуфларнинг фикрини давом эттиради. Улардаги айрим фикрларига қўшилади, баъзиларини жузъий танқид қилган ҳолда ўзларининг олам яратилиши, руҳ ва жисм ўртасидаги узвий боғлиқликлар, ғайб илми ҳақидаги фикрларини бойитади.

⁴⁰Хароботий, 71-бет.